

Ўзбекистон — БМТ:

Барқарор ривожланиш йўлидаги ҳамкорлик

◀ (Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

— Маълумки, БМТ Бош Ассамблеяси сессияси инсоният олдига турган долзарб муаммоларни муҳокама қилиш, уларга ечим қидириш масалаларига бағишланади, — деди Х. Фрейзер хоним. — Бу борада давлатларнинг қарашлари ўртага ташланади, минтақалар ва халқлар манфаатидан келиб чиқиб, хулосалар белгиланади. Бундай форумда маъруза қилиш гоят масъулиятлидир. Чунки давлатнинг ички ҳамда ташқи сийсати, халқроқ майдондаги обрў-эътибори, дунёда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, турли миллатлар ва эллар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашдаги фаол иштирокига алоҳида эътибор қаратилади. Давлатингиз раҳбарининг сессиядаги иштироки ва БМТнинг юксак минбарида туриб сўзлаган нутқи шу жиҳатдан тарихий воқеа бўлди. Айтиш жоизки, Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида уч йўналишда — Ўзбекистон, Марказий Осиё минтақаси ҳамда БМТ даражасидаги фикрларини ўртага ташлади, умуминсоний манфаатлар қўлланган тақдирда ва ташаббусларни илгари сурди. Шунинг алоҳида қайд этиш керакки, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган кўлаб вазифалар БМТнинг 2016 — 2020 йилларга мўлжалланган Тараққиётга қўмаклашувчи доиравий дастури-

га, шу жумладан, БМТ тузилмаларининг мамлакатингиз билан ҳамкорлигининг устувор йўналишларига ҳам ҳамоҳангдир. БМТ бундан кейин ҳам юртингиз билан ҳамкорлик қилишга, шу жумладан, Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга қўмаклашшига тайёр. Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил қилади. Хар йили 500 мингдан зиёд ўғил-қизлар меҳнат бозорига кириб келмоқда. Давлатимизнинг ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича олиб бораётган саёй-ҳаракатларини БМТ ҳам қўллаб-қувватлапти. Хусусан, яқинда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ушбу ташкилот билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Айни пайтда ёш тадбиркорларга шарт-шароитлар яратишга қаратилган ишлар изчил давом эттириляпти. БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Саша Грауманн, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари Лианне Куппенс ўз чиқишида Ўзбекистонда оналар ҳамда болалар манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишда бир қанча муваффақиятларга эришилганлигини билдирди. Анжуманда Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясидаги нутқида Марказий Осиё минтақасининг умумий сув захираларидан оқилана фойдаланиш, Орол фожиаси оқибатларини барта-

раф қилишда халқроқ миқёсдаги саёй-ҳаракатларни фаол бирлаштириш зарурлиги борасидаги тақлифи гоят долзарблигига алоҳида ургу берилди. — Жорий йил июнь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш Ўзбекистонга ташриф буюриб, давлат раҳбари билан учрашув ўтказди, — дейди Х. Фрейзер хоним сўзини давом эттириб. — БМТ Бош котиби Орол денгизи акваториясида, Мўйноқ туманидаги "Кемалар қабростони"да ҳам бўлиб, БМТ томонидан ҳудудда амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишган эди. БМТ Бош котибининг мамлакатингизга ташрифи яқунлари бўйича қабул қилинган 2017 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси билан БМТ ҳамкорлигини янада ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси" ва БМТ томонидан Орол фожиасидан жабр кўрган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича махсус дастур Оролбўйи минтақасидаги вазиятни яхшилаш борасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Йигилли давомидида БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари Миеко Ябута, Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича бошқармаси ваколатхонаси раҳбари Ашита Миттал ҳамда бошқалар журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб бердилар.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Садоқат, жасорат ва рағбат

◀ (Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Ушбу ҳужжат ижроси доирасида профилактика, тезкор-қидирув, тергов, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, қўриқлаш, патруль-пост хизматлари, алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбарлик отрядлари янгича қиёфада ташкил этилди. Соҳа ходимларини жаҳон андозаларига мос алоқа, техника ҳамда замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан таъминлаш чоралари кўрил-

ди. Ички ишлар вазирлиги академияси, Ёнғин хавфсизлиги институтига ҳар жиҳатдан етук ёшлар қабул қилиниб, уларнинг замон талаблари асосида таълим олиш имкониятлари кенгайтирилди. Профилактика куни муносабати билан кўрилатган чора-тадбирлар ҳам ўз самарасини бераётгани анда ташкил этилди. Соҳа ходимларини жаҳон андозаларига мос алоқа, техника ҳамда замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан таъминлаш чоралари кўрил-

ди. Ички ишлар вазирлиги академияси, Ёнғин хавфсизлиги институтига ҳар жиҳатдан етук ёшлар қабул қилиниб, уларнинг замон талаблари асосида таълим олиш имкониятлари кенгайтирилди. Профилактика куни муносабати билан кўрилатган чора-тадбирлар ҳам ўз самарасини бераётгани анда ташкил этилди. Соҳа ходимларини жаҳон андозаларига мос алоқа, техника ҳамда замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан таъминлаш чоралари кўрил-

тирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлинма командири Аваз Баймирзаев. — Кўплаб сафдошларим қаторида менга берилган давлат мукофотини камтароқ меҳнатимнинг юксак эътирофи, деб биламан. Бу, ўз навбатида, зиммадаги масъулиятни янада оширади. Мамлакатимиз раҳнақи, халқимиз осуда ҳаёти йўлида бор куч ҳамда маҳоратимизни сафарбар этамиз. Санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури байрам тадбирига янада кўтаринкилик бағишлади.

З. ХОЛТУРАЕВ.

Осойишталик посбонлари қасамёди

Тинч ва осойишта ҳаёт тараққиёт ҳамда фаровонликнинг муҳим омилidir. Шу боис юртимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, осойишталик посбонлари учун барча шарт-шароит ва қулайликлар яратилмоқда.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Президентимизнинг жорий йил 20 апрелдаги "Ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторларини хизмат уй-жойи билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриямал бўлаётди. Навоий вилояти марказидаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторлари қасамёдида бағишлад ўтказилган маросимда шулар хусусида сўз юритилди. Томди туманидаги "Оқтау" овул фуқаролар йи-

ғинида сўнгги икки йил давомида бирор марта ҳам қонунбузилиш ҳолати қайд этилмаган. Ушбу ҳудудда, икки йилдирки, асли қарманлик Аслиддин Мавлонов профилактика инспектори сифатида фаолият олиб борапти. — Хизмат ҳудудидан барча қулайликка эга уй берилишидан ўзим, оила аъзоларим беҳад мамнун бўлдим, — дейди у. — Овул аҳолиси билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Бу ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган кенг кўламли тадбирлар самарадорлигини таъминлашда кўл келмоқда. Бугунги тантанали қасамёдимиз, уй-жой ҳамда имти-



Сирож АСПОНОВ (ўса) олган сурат.

ёзли асосда хизмат машинаси берилиши билан ва тажрибамизни тўлиқ сафарбар қилиб, аҳоли осойишталиги йўлида фидойилик кўрсатишга ундайди. Маросимда 80 нафар

профилактика инспекторига хизмат уйлари ҳамда автомашиналар қалитлари топширилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н. Йўлдошев, Республика Бош вазири-

нинг ўринбосари, Хотинқизлар қўмитаси раиси Т. Нарбаева, ички ишлар вазири П. Бобожон, вилоят ҳокими К. Турсунов иштирок этди. Темур ЭШБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

НАВҚИРОН АВЛОД УЧУН УЛКАН ҒАМХЎРЛИК

◀ (Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Зарур ўқув анжомлари ҳамда лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган ушбу мактабнинг очилишига бағишланган тадбирда бугун ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этиш, билим олиши, касб-хўнарга эгаллаши, қатъий ҳаётини яшашга эга, ҳар томонлама соғлом

лим-тарбияси, ҳуқуқ ва манфаатлари, ижтимоий ҳимояси, уларнинг келажаги ҳақида билдирган амалий тақлифлари ҳам мамлакатимизда ёшларга қаратилган улкан эътиборнинг яна бир ҳаётини ифодасидир. Барча соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар муваффақияти, мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан

нинг замон талаблари даражасида, халқроқ андозаларга мос таълим-тарбия олиши, касб-хўнарга эгаллашга эришиш ва етук мутахассис кадрлар тайёрлаш орқали юртимиз тараққиётини таъминлашдир. 78-мактаб кутубхона фонди зарур дарслик ҳамда адабиётлар билан бойитилди. Информатика хонасида ўқувчиларнинг ахборот-коммуникация воситаларидан кенг фойдаланиши учун барча шароит мавжуд бўлиб, у ердаги компьютерлар Ziyonet интернет порталига уланган. Кенг ва ёруғ синфхоналар бугунги талаблар даражасида жиҳозланган.

◀ (Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Масалан, кеча Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари, "Ўзбекистонга" акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, Халқроқ молия корпорацияси ҳамда Жаҳон банки гуруҳи ҳамкорлигидаги "Ўзбекистонда барқарор пахтачиликни ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳанинг дастлабки натижалари тақдими бўлиб ўтди.

тахассислар, таҳлилчилар, селекциячи олимлар ўзаро тажриба алмашиш баробарида, бу борада жаҳон миқёсидаги ҳолат билан яқиндан танишиш имкониятига ҳам эга бўлишмоқда. — Пахта бўйича халқроқ маслаҳат қўмитасининг 76-япи мажлиси барча учун фойдали келмоқда, — дейди АҚШнинг "Cotton Incorporated" компанияси вакили Хейк Катер. — У том маънода илмий муассасалар учун тажриба алмашув майдонига айланди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, юртин-



ҳамда барқарор инсонлар бўлиб воёга етишини таъминлаш, уюшмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига қўмаклашиш, бандлигини таъминлаш борасида кўлаб чоралар кўриляётгани эътироф этилди. Бу бежиз эмас. Зеро, эртанги кунимиз, ёруғ истиқболимиз фарзандларимиз таълим-тарбиясида боғлиқдир. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ёш авлоднинг таъ-

лим-тарбияси, ҳуқуқ ва манфаатлари, ижтимоий ҳимояси, уларнинг келажаги ҳақида билдирган амалий тақлифлари ҳам мамлакатимизда ёшларга қаратилган улкан эътиборнинг яна бир ҳаётини ифодасидир. Барча соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар муваффақияти, мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан

нинг замон талаблари даражасида, халқроқ андозаларга мос таълим-тарбия олиши, касб-хўнарга эгаллашга эришиш ва етук мутахассис кадрлар тайёрлаш орқали юртимиз тараққиётини таъминлашдир. 78-мактаб кутубхона фонди зарур дарслик ҳамда адабиётлар билан бойитилди. Информатика хонасида ўқувчиларнинг ахборот-коммуникация воситаларидан кенг фойдаланиши учун барча шароит мавжуд бўлиб, у ердаги компьютерлар Ziyonet интернет порталига уланган. Кенг ва ёруғ синфхоналар бугунги талаблар даражасида жиҳозланган.

Ўзаро алоқаларни мустаҳкамловчи манфаатли келишувлар

Тажрибалидек, ушбу лойиҳа мамлакатимизда пахта хом ашёсини етиштириш ва йиғиб-териб олишда самарадорлигини оширишда кўл келди. Чунки у асосида фермер хўжалиқларида пахта етиштирилиши стандарт тизимини татбиқ этиш мақсадида инфраструктура ишлаб чиқилиб, синов тарқасида жорий қилинди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги технологиялари таҳлил этилиб, тавсиялар тайёрланди. Иштирокчилар кун давомида сессияларга бўлинган ҳолда, Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш борасидаги ислохотлар қаторида, гўза селекциясида ген-нокаут ҳамда генетик ранг-баранглик самаралари, тупроқ-иқлим шароити турлича бўлган минтақалар учун гўза уруғлари тайёрлаш ва парваришlash технологияларини яратиш, ҳосилдорликни ошириш бўйича янги ишланмалар, тўқимачилик саноатини ривожлантириш таъминловчи ҳамда толарлар ўртасидаги рақобат, газлама ишлаб чиқариш ва уларга ишлов беришда нанотехнологиялардан умумий фойдаланиш каби долзарб масалаларга бағишланган маърузаларни тинглади. Мажнун муаммолар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Пахта бўйича халқроқ маслаҳат қўмитасининг етакчи иқтисодчиси Лорена Руизнинг айтишича, дунё пахта бозорининг бугунги ҳолати ҳамда истиқболларини муҳокама қилишда мажнун мажлис ва ярмарканинг аҳамияти ниҳоятда юқори. Бинобарин, улар доирасида эксперт ҳамда му-

Максуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шомурат ШАРАПОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида учрашувлар

◀ (Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Ушбу ҳужжат давлатларимиз Олий судлари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, кадрлар малакасини ошириш бўйича муносабатларни кучайтириш масалаларига қаратилган билан аҳамиятлидир. Қозғоғистон Республикаси Олий суди раиси К. Мами бу ташриф ва имзоланган Меморандум хусусида оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида, жумладан, шундай деди: "Азалдан бир дарадан сув ички келаятган ўзбек ҳамда қозғоқ халқлари аҳил қўшни сифатида яшамоқда. Улар ўртасида дўстлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бораётганидан ҳар икки томон ҳам манфаатдор. Суд тизими ислохотлари мамлакатларимизда изчиллик билан давом эттириляпти. Аммо бугунги тезкор замонда шунинг ўзи билан кифояланиб қолиш мумкин эмас. Шу маънода, тажриба алмашиш фойдалидир. Бугун имзоланган Меморандум мажнун эзу мақсада қаратилгани билан эътиборга мо-

лик, деб ҳисоблайман. ШХТга аъзо давлатлар Олий судлари раислари мажлиси ҳақида тўхталадиган бўлсак, унда қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди. Одил судловни амалда таъминлаш борасидаги тажрибалар ўртоқлашилади ва терроризм, экстремизм ҳамда наркотрафикка қарши биргаликда курашиш ва бошқа долзарб масалалар муҳокама қилинади". Шу кунги Тожикистон Республикаси Олий суди раиси Ш. Шойиён билан ҳам учрашув бўлиб ўтди. Унда ҳар икки мамлакатда ушбу соҳада олиб борилаятган ислохотлардан кўзда тутилган асосий мақсад суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини тўлиқ таъминлаш орқали фуқароларнинг унга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, пировардида одил судлов самарадорлигини оширишдан иборат экани айтиб ўтилди. Бу борада Ўзбекистон ҳам, Тожикистон ҳам катта салоҳиятга эга. Шундай экан, мажнун йўналишдаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш давлатла-

римиз манфаатларига уйғун. ШХТга аъзо давлатлар Олий судлари раислари мажлиси томонлар ўртасидаги алоқани янги босқичга кўтаришга замин яратди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К. Комилов Қирғизистон Республикаси Олий суди раиси А. Токбаева билан учрашди. Эътироф этилганидек, ҳар икки давлат Олий судлари ҳамкорлигини бугунги кун талаблари даражасида юксалтиришни даврий ўзи тақозо этмоқда. Зеро, судлар инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатларини тўлиқ таъминлайдиган, одил судловни рўйбга чиқарадиган энг адолатли муассаса сифатида шаклланаётган, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Адолат кўргони" бўлимоғи керак. Бу борада Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Олий судлари раислари мажлиси ўзига хос тажриба мактаби сифатида хизмат қилади. Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Жамоатчилик кенгаши ва маънавий тарбия

Тинчлик-осойишталик энг катта бойлик, улуг неъматдир. Уни асраб-авайлаш нафақат юрт посбонларининг, балки барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Кеча Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган "Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ишларининг сарҳисоби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида фуқаролик назорати механизми" мавзусидаги анжуманда шу ҳақида фикр юритилди.

ТАДБИР

Бундан роппа-роса беш йил муқаддам тузилган Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши миллий армиямиз ва аҳоли ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, Ватан ҳимоячиларининг маънавиятини бойитиш ва жанговар шайлигини оширишда фаол иштирок этиб келмоқда. Тадбирда сўзга чиққан Мудо-

фаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси И. Мирзаалиев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, Жамоатчилик кенгаши комиссияси раиси Ф. Дадаҳужаев ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Куролли

Кучлар Олий Бош Қўмондон Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида миллий армиямизни ислохот этиш ва унинг мудофаа қудратини, жанговар салоҳиятини юксалтириш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга ҳарбий хизматчиларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиляётганини таъкидлади. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 23 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолиятини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Жамоатчилик кенгашининг минтақавий бўлинмалари ташкил этилди. Бу унинг фаолияти самарадорлигини янада оширишда муҳим қадам бўлди.

Қайд этилганидек, Жамоатчилик кенгаши аъзолари Мудофаа вазирлиги фаолияти шафқатлигини таъминлаш, ҳарбий хизматчиларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, ҳарбий қисмларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни сақлаш, ҳарбий хизмат нуфузини юксалтириш, қақирувга қадар ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини такомиллаштиришга ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. — Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 28 август кунин Самарқандда бўлиб ўтган саёйр видеоселектор йиғилишида мамлакатимиз Куролли Кучларида амалга оширилаётган ислохотлар натижалари таҳлил қилиниб, бу борадаги долзарб вазифалар белгила берилди, — дейди Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғи, полковник

Максуд Абилов. — Жумладан, маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, юрт ўғлонларида Ватанга муҳаббат ҳамда садоқат туйғуларини мустаҳкамлашда ижодкор зийлилар зиммасидаги масъулият юксак эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди. Ана шулардан келиб чиқиб, ижодкорлар, зийлилар мамлакатимиздаги ҳарбий қисмлар, олий ҳарбий таълим муассасалари, "Темурбеклар мактаби" ўқув масканларида бўлиб, ҳарбий хизматчиларнинг ҳаёти, фаолияти, ёш ватанпарварларнинг оруз-мақсадлари билан яқиндан танишиб бораптилар. Бугунги анжуман ўтган давр мобайнида бажарилган ишларни сарҳисоб қилиш баробарида, келгуси чора-тадбирлар ҳақида келишиб олиш имконини ҳам берди.

Максуд Абилов. — Жумладан, маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, юрт ўғлонларида Ватанга муҳаббат ҳамда садоқат туйғуларини мустаҳкамлашда ижодкор зийлилар зиммасидаги масъулият юксак эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди. Ана шулардан келиб чиқиб, ижодкорлар, зийлилар мамлакатимиздаги ҳарбий қисмлар, олий ҳарбий таълим муассасалари, "Темурбеклар мактаби" ўқув масканларида бўлиб, ҳарбий хизматчиларнинг ҳаёти, фаолияти, ёш ватанпарварларнинг оруз-мақсадлари билан яқиндан танишиб бораптилар. Бугунги анжуман ўтган давр мобайнида бажарилган ишларни сарҳисоб қилиш баробарида, келгуси чора-тадбирлар ҳақида келишиб олиш имконини ҳам берди.

Дарҳақиқат, ярмаркада тўқимачилик маҳсулотларининг улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Галдаги тадбирда "Ўзэкспомарказ" Миллий кўргазма мажнунисининг иккита павильонини тўқимачилик қорхоналарига ажратилиб, уларда юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўрн олгани бунинг тасдиғидир. "Ўзбекистонга" акциядорлик жамияти қозидаги "Шарқ либослари" дизайн маркази томонидан ташкил этилган модлар намойиши ҳам қатнашиларида катта таассурот қолдирди. XIII халқроқ Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида кўлаб истикболли келишувларга эришилди. Пахта бўйича халқроқ маслаҳат қўмитасининг 76-япи мажлиси давом этмоқда.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Азизбек РАМАЗОНОВ.

Эркин валюта сиёсати:

МАМЛАКАТИМИЗ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ, ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН МУҲИМ ТАШАББУС

Хар қандай мамлакатда валюта муомаласининг ҳаддан зиёд маъмурий тартибга солиниши алоҳида тармоқлар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар учун имтиёз ҳамда преференцияларнинг камсамарали тизимини асосий равишда шакллантиришга йўл очади. Бизнес юртида тенг бўлмаган шарт-шароитлар вужудга келиши эса рақобатнинг бозор тамойиллари бузилишига олиб келади. Хорижий инвестицияларни жалб этиш, товарлар ва хизматлар экспортини ошириш, умуман, мамлакат иқтисодий ривожланишда тўққинлик қилувчи омилига айланади.

да жуда арзимас ҳолатдек туюлиши мумкин. Бироқ бунинг негизиде жуда катта рамазий маъно ҳамда ишоралар бор. Яъни шу орқали қўшни мамлакатлар билан савдо-сотиқ муносабатлари ривожланади.

Сўмнинг қадри тушмайди

Шу ўринда "Миллий валютамиз — сўм қадрсизлини кетмайдими?" деган савол ҳам юзага чиқиши мумкин. Фармонда валюта етишмовчилиги хатарининг олдини олиш бўйича аниқ механизмлар белгилаб берилган.

Бозорга валютани ким олиб киради? Биринчи навбатда, экспортчилар. Улар ишчиларга маош тўлаш, хом ашё харид қилиш, электр энергияси ва бошқа хизматлар ҳақини тўлаш, фойдани Ўзбекистонда ишлаштириш учун валютани сотишлари керак. Бундан ташқари, меҳнат мигрантлари, мамлакатимизда заводлар қурадиган, ишчи-лар ёллайдиган, жиҳозлар сотиб оладиган хорижий инвесторлар валюта тақлифининг асосий манбалари ҳисобланади. Қолаверса, Ўзбекистон банкларининг капитали, юқори валюта кредит портфели кўрсаткичлари туфайли сўмнинг девальвацияси салбий оқибатлардан ҳимояланган.

"Fitch" халқаро рейтинг агентлигининг ҳисоботида қайд этилишича, миллий валютанинг қўққисдан қадрсизлини, катта ҳажмда АҚШ доллари ҳамда валюта кредитлашда юқори улушга эга банкларнинг капиталига ўртамиёна таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг давлат банклари мунтазам равишда давлат капитали билан қўллаб-қувватланади.

Нархларга таъсир қиладими?

Халқимизни бугунги кунда "Валюта курсининг реал талаб ва тақлиф асосида белгилаши келгусида инвесторларнинг ҳамда хизматлар нарҳига таъсир қилмайдими?" "Агар бозор механизмлари асосида доллар курси ошадиган бўлса, истеъмол товарлари ва хизматлар нарҳи ҳам кўтариладими?" деган саволлар ҳам қизиктирарди, албатта. Истеъмол товарлари ҳамда хизматларга нарҳлар импорт нарҳи ошганда, яъни импорт товарлар ва хизматлар олиб келинадиган курс девальвацияси рўй берганда кўтарилиши мумкин. Иккинчи ой олдин бизда бир АҚШ доллари учун расмий курс тахминан 4000 сўм, "қора бозор"да 8000 сўм атрофида ҳамда биржада 10000 сўм эди. Бозорда

ги импорт товарлар нарҳлари икки курс — нақдсиз ҳисоб-китоб учун биржа, нақд савдода бозор курсига таянган ҳолда шакллантирилди. Импортчилар расмий курс бўйича валюта харид қилганда ҳам товарларни 8000 — 12000 сўмлик курсга боғлаб сотарди. Ўзини кўринадиги, янги курсда аксарият импорт товарлар нарҳлари ошмаслиги керак. Баъзилари, ҳатто, арзонлашиши ёки анча вақт қимматлашмай туриши мумкин.

Фармонда кўзда тутилганидек, божхона тўловлари импорт қилинадиган товарлар нарҳлари кескин ошшига йўл қўймаслик мақсадида бир ҳафта мобайнида қайта кўриб чиқилди. Давлат аҳолини девальвациянинг салбий оқибатларидан максимал даражада муҳофаза этишга ҳаракат қилди.

Гап шундаки, истеъмол товарларининг импорти анчадан буён расмий конвертация билан молиялаштирилмаётган ва уларнинг нарҳи параллел (қора) бозор курсида шакллантирилаётган. Бундан ташқари, импортчи корхоналар турли комиссия тўловлар ҳамда биржа курси туфайли бозор курсидан ҳам ортиқроқ тўлашга мажбур эдилар. Устига-устак, маълум бир тузилма ва шаффофлик йўқлиги боис ҳамма ҳам бундай операциялардан фойдалана олмасди. Савдо корхоналари раҳбарлари операцияларини тақомиллаштириш ҳамда нарҳларни пасайтириш ўрнига, импортчи молиялаштиришга валюта топиш учун кўп ресурс ва вақт сарфларди.

Энди тадбиркорлик субъектлари га хизмат кўрсатувчи барча банкдан бозор шартноларида валюта харид қилиш учун тенг имконият яратилди. Демак, бозорда қатнашувчилар сони кўпайиб, рақобат ошди. Самарардор курс руҳининг энгиллаштирилгани ҳамда шаффофлик туфайли бир оз тушди ҳам.

Фармонда муҳим истеъмол товарлари нарҳлари барқарорлигини таъминлаш бўйича алоҳида бандлар киритилган. Бу давлатимизнинг аҳолини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда салбий оқибатларни бартараф этишга қаратилгани билан нҳоятда аҳамиятлидир. Шунингдек, божхона божлари ва тўловларининг муштараклашиши ҳам таъкидланган. Бу жуда муҳим жиҳат. Чунки Марказий банк курси девальвация қилинганида ўз-ўзиндан божларнинг миқдори кескин ортади. Янгида қабул қилинган ҳуқуқат қарорига кўра, ана шундай ошмишнинг олдини олиш мақсадида импорт билан юртимизга кириб келадиган бир қатор маҳсулотлар — ун, гўшт, ўсимлик ёғи, ёрма каби товарларнинг божхона божлари ҳамда акцизлари олиб ташланди ёки пасайтирилди.

Нормал ҳолат

Шу пайтгача республикамиз иқтисодиёти кучли даражада доллрлашган эди. Кўплаб товарлар расман долларда сотиларди. Мобиль алоқа операторлари ва интернет-провайдерлар тарифлари унга боғлаб белгиланарди. Эркин конвертация ана шундай қўллаб ҳолатларни бартараф этишга хизмат қилади. Лекин ҳаммасини ҳам эмас. Валютанинг эркин конвертация бўлиши, аввало, банкларнинг исталган миқдордаги чет эл валютасини конвертация қилиб беришини талаб этади. Ҳозирги кунда йирик номиналдаги купюра (50 миң сўмлик) муомалага чиқарилиши бу бозордаги нарҳ-наво ҳамда кичик номиналдаги купюраларга нисбатан харажатни қисқартириш учун қилинган табиий чорадир. Иқтисодчиларнинг фикрича, энг кам ойлик иш ҳақининг ярмигача бўлган миқдорда номинал купюраларнинг муомалада бўлиши, бу — нормал ҳолат.

Хулоса ўрнида айтганда, бугунги кунда ҳақон иқтисодиётда рўй бераётган ўзгаришлар, қолаверса, миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини янада кучайтириш зарурати мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, институционал ва таркибий янгиланишларни давом эттириши тақозо қилмоқда. Шу маънода, Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Харакатлар стратегияси бу борада муҳим қадам бўлди, десак, айни ҳақиқат.

Мамлакатнинг кейинги беш йиллик истиқболли акс этган даврда стратегияда белгилаган вазифалар бугун амалиётда ўз исботини топмоқда. Айниқса, унинг Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш йўналишида кўрсатилган чора-тадбирларни рўйбга чиқариш учун миллий валюта ҳамда нарҳларнинг барқарорлигини таъминлаш, валютани тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий қилиш каби устувор вазифаларга эътибор қаратилган.

Фармон айнан ушбу долзарб вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилади. Зотан, унинг илчил ижроси мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этишга, ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи ҳамда ички бозорда рақобатдошлигини оширишга, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга имкон беради. Энг муҳими, валюта бозорига барча ҳўжалик юритувчи субъект учун тенг рақобат шартнолари яратилди.

Норбой КАРИМОВ, иқтисод фанлари доктори, профессор.



2020 йилга бориб дунё миқёсида киберхавфсизликни таъминлаш мақсадлари учун йилга 161,3 миллиард АҚШ доллари миқдорда маблағ йўналтирилиши кутилмоқда.

Халқаро ташкилот хулосаси

Бу ҳақда киберхавфсизлик бўйича "Grant Thornton International" халқаро ташкилотининг Буюк Британиядаги ваколатхонаси раҳбари Ману Шарма ОАВга берган интервьюсида айтиб ўтган. Унинг билдиришича, ҳозирги пайтга келиб, дунёда онлайн-харидлар оммалашмоқда. Натижда аксарият йирик фирмалар, банклар ҳамда ташкилотлар ушбу хизматни кенг йўлга қўйишга интиляпти.

— Музлаткичлар, иситиш мосламалари масофадан назорат қилиш тизимига ўтади. Автомобиль ва поездларни автоматик бошқариш янада тақомиллашди, — дейди у. — Бу жиҳатлар кибержониятчиларга қўл келиши мумкин. Яъни улар йўл-транспорт ҳодисасини исталган пайтда содир этиши ҳеч гап эмас. Ана шундан келиб чиқиб, киберхавфсизлик тизимларига бўлган эҳтиёж янада ортади.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2015 йилда ҳақон 91 миллиард АҚШ доллари миқдорда маблағ сарфланган.

Зарар қўлами катта

АҚШнинг Калифорния штатида давом этаётган ўрмон ёнғинлари туфайли қўрилган зарар миқдори қарийб бир миллиард АҚШ долларига етган.



"Тилсиз ёв" боис 42 киши ҳаётдан қўз юмгани айтилмоқда. Етти мингдан ортиқ тураржой ва бошқа биноларга жиддий зиён етган. Маҳаллий маъмурлар талафот қўлами янада ортиши мумкинлигини маълум қилишган.

Манбада қайд этилишича, бу Калифорнияда сўнгги 84 йил ичида содир бўлган энг йирик ўрмон ёнғинлари ҳисобланади.

Тиббиётда яна бир янгилик

Шотландия ҳамда ирландиялик бир гуруҳ олимлар биринчи марта суяк тўқималарини лаборатория шартноларида ўстиришга муваффақ бўлишди. Бунда гравитацион тўқинли махсус аппаратдан фойдаланилган.



Мутахассисларнинг фикрича, мазкур янгилик келгусида жиддий жараҳат туфайли ампутация қилиниши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш имконини бериши мумкин. "Nature Biomedical Engineering" журналида ёзилишича, ушбу усул жониворларда синовдан муваффақиятли ўтказилган. Олимлар 2020 йилда худди шу йўл билан одамларда суяк ўстириши синиб қўришни мўлжаллашмоқда.

Биткоиннинг навбатдаги рекорди

Дунёда кенг тарқалган криптовалюта — биткоин тараққиётда энг юқори кўрсаткич қайд этилди. Утган ҳафтанинг сўнггида биржа ёпилиши арафасида у 6000 АҚШ долларида бир оз баланд нарҳда сотилди.

Аммо ҳақон биржалари бу электрон бирликни 5981 АҚШ доллари миқдорига белгилаган ҳолда ёпилиди. Шунга қарамай, айтиш жоизки, биткоин ўтган ҳафтанинг ўрталарида бир кеча-кундузда олти фоиз юқорилади. Оммавийлиги борасида ундан кейинги ўринда туровчи "Ethereum" криптовалютасининг қиймати эса бир фоиз ошди, унинг электрон бирлиги 311,3 АҚШ долларида харид қилинди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 24 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиши, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйилган қийматини белгилади.*

Table with exchange rates for various currencies: 1 AҚШ доллари 8069,61, 1 Евро 9496,32, 1 Россия рубли 140,31, 1 Англия фунт 10649,46, 1 Япония иенаси 70,95, 1 Жабуэй Корея воны 7,14, 1 Кувейт динари 26707,30, 1 Малайзия рингити 1907,26, 1 Канада доллари 6939,80, 1 Хитой юани 1217,04, 1 Сингапур доллари 9293,95, 1 Швейцария франки 8200,82, 1 БАА дирҳами 2197,13, 1 Миср фунти 457,36, 1 Австралия доллари 6312,05, 1 Туркия лираси 2189,26, 1 СДР 11397,52, 1 Украина гривнаси 304,17, 1 Польша злотийси 2240,75

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Соҳада туб бурилиш ясаган ҳужжат

Бундай ҳолат республикамиз учун ҳам ёт эмас эди. Лекин ҳозирги кунда валюта сиёсати ҳамда ташқи савдо фаолияти соҳасини тақомиллаштириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирларни алоҳида эътибор этиш жоиз. Айтиш керакки, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 2 сентябрдаги "Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бунда дастуриламал бўлиб хизмат қилапти.

Келинг, ушбу тарихий ҳужжатнинг аҳамияти ҳақида батафсил фикр юритсак. Аввало, мазкур ҳужжат 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясига мувофиқ ва валюта соҳасини тартибга солишнинг бозор механизмларини жорий этиш, республика экспорт салоҳиятини юксалтиришни рағбатлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг бозорлардаги рақобатдошлигини ошириш, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида қабул қилинганини таъкидлаш ўринлидир.

Ҳақиқатдан йироқ тахминлар

Фармон кўчга киргач, унинг туб моҳиятига тушуниб етмаган одамлар орасида "Энди ҳамма нарса қиммат бўларкан", "АҚШ долларининг курси ошадими?", "Яна алмаштириш шохобчаларида навбатлар қўлаяди", "Қора бозор йўқ бўлади-ми, бундан оддий аҳоли зарар кўрмайдими?", "Миллий валютамизнинг тақдирини нима бўлади?" деган турли миш-мишлар тахминлар туғилди. Лекин уларнинг барчаси ҳақиқатдан анча йироқ гап-сўзлар эди. Сабаби, Марказий банк 4 сентябрда АҚШ долларининг бозор механизмига мувофиқ шакллантирилган расмий курсини ўрнатди. Бунда нимага таянилди? Бозор курси талаб ҳамда тақлиф мутаносиб-

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ

Пойтахтимизда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Гидрометеорология бўйича давлатлараро кенгашининг 29-сессияси бўлиб ўтди. Унда Россия Федерацияси, Қозғистон, Туркменистон, Беларусь, Қирғизистон, Тожикистон ва Арманистон Республикалари миллий гидрометеорология хизматлари делегациялари қатнашди.

ИШОНЧЛИ МАЪЛУМОТЛАР

тўғри қарор қабул қилишда алоҳида аҳамиятга эга

Анжуманда сўзга чиққанлар МДХ миллий гидрометеорология хизматларининг яқин ҳамкорлиги, уларнинг тегишли давлат муассасалари ҳамда халқаро ташкилотлар билан шериклиги об-ҳаво, сув ва иқлим тўғрисидаги ишончли маълумотлар асосида тўғри қарорлар қабул қилишда катта аҳамият касб этишини таъкидлашди.

1992 йил 8 февралда гидрометеорологик жараёни прогноزلаш, уларнинг афрод-муҳитга таъсирини баҳолаш, аҳолини юз бериши мумкин бўлган турли табиий ҳодисалардан олдиндан огоҳлантириш, Ҳамдўстлик давлатлари муҳофаза соҳаларида самарали фойдаланиш учун зарур бўлган гидрометеорологик маълумотларни ўз вақтида олиш масалаларини биргаликда ҳал этиш мақсадида Гидрометеорология бўйича давлатлараро кенгаш ташкил қилинган эди. Ушбу кенгаш ташкил қилинган эди. Ушбу кенгаш аъзолари ўзаро ҳамкорликда соҳани янада ривожлантириш, янги истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича самарали иш олиб боришадир.

Гидрометеорология соҳасида ахборотларни алмаштириш бўйича янги тизим ишлаб чиқилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги хузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази бош метеорологининг биринчи ўринбосари Бахриддин Нишонов. — Бу эса хавфсизлик, ўзаро ахборот алмаштириш, фуқаро авиацияси ҳаво кемалярига метеорологик хизмат кўрсатиш, узоқ муددатли прогнозларни ишлаб чиқиш, афрод-муҳит ифлосланишини мониторинг қилишда қўл келади. Бундан ташқари, сессияда кадрларни тайёрлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди, келгусида соҳага малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг

Раҳим ШЕРҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ

ҳам экологияга, ҳам иқтисодиётга фойда

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда бир йилда 35 миллион кубометрга яқин маиший чиқинди ҳосил бўлади. Уларни утилизация қилиш ва қайта ишлашни самарали ташкил этиш юртимизда экология ҳамда санитария муҳитини янада яхшилаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

ДАВРА СУҲБАТИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Экохаражат депутатлар гуруҳи, Экология ва афрод муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХТ)нинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, Марказий Осийнинг минтақавий экологик маркази ҳамкорлигида "Қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқаришда замонавий технологиялар: ҳуқуқий, техник ва инвестицион ечимлар" мавзусида ташкил этилган халқаро давра суҳбатига шу ҳафта сўз борди.

Депутатлар, олимлар, илмий ўқув муассасалари, экология, тиббиёт соҳаларида фаолият олиб бораётган ННТ мутахассислари, Россия, Беларусь, Латвия, Италия, Буюк Британия, Қозғистон ҳамда бошқа давлатларнинг экспертлари ва журналистлар қатнашган тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистонда экологик хавфсизликни таъминлаш, афрод-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан тақомиллаштириш, экологик ҳолатни яхшилаш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун кулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратиларди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 21 апрелдаги "Экология ва афрод-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тақомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони

Дилшод КАРИМОВ.



БУГУННИНГ ЗАВҚИ, ЭРТАНИНГ ФАРОФАТИ

Бугун диёримизнинг қай гўшасига борманг, авваллари кўрилмаган суръат ва жўшқинлик намоеён. Энг асосийси, кишиларда ўзига, қилаётган ишининг натижасига ишончи ортаётганининг гувоҳи бўласиз.

Одамлар баҳслашган, мулоҳазаларини ўртага ташлаган, кўпчилик яратиш, бунёдкорлик иштиёқида. Асосий мавзу — юртимизда рўй бераётган янгиланишларнинг моҳияти, кўлами ва самарасидир.

Дарҳақиқат, энди боқимандалик кайфияти, "Берсанг, ейман, урсанг, ўламан", дейдиган давр ўтиб кетди. Давлат кўлинига даромад калитини тутқазмоқда. Марҳамат, ҳаракат қилсанг, етти пуштинга етадиган ризқ топасан.

— Ҳамма гап теранроқ фикрлашдан экан, — дейди нуқсулик Хурсанд Тўлибоев. — Президентимиз Қорақалпоғистон Республикасига келганида, паррандачилик хусусида айтган гапларини роса мулоҳаза қилдим. Нега айнан шу соҳа ҳақида жон куйдириб, куйиниб сўзладилар?! Кейин билсам, бу рамзий маънода экан. Олдинги шу ишни қилсангиз ҳам, даромадингиз кўпаяди-ку, ризқингиз ўз-ўзидан келиб туради-ку? Яъни халққа тушунарли тилда айтилган бу мисол замирида "Ҳаракат қилсанг, бас, ҳамма шароитни яратиб берамиз" деган тушунача мужассам экан. Шу нуқтага назардан қарасам, эҳ-ҳе, қанча ишлар қилса бўларкан! Бир томорқанинг ўзидан дунёнинг даромадини топиш мумкин.

Изланувчанлик, яратиш иштиёқи, бунёдкорлик юрт раванқи, тараққиёти билан чамбар-

час боғлиқ. Бугун ўлкадаги шиддатли янгиланишлар моҳиятига етиш учун "Бу жонбозликлар, ғайрату шижоатга чорловлар боиси не, пировард мақсад нимадан иборат?" деб ўйлаб кўриш керак.

Не бахтки, юртимиздаги жўшқинлик ва шиддатнинг кўламу моҳиятини теран тушунадиган, мушоҳадаю мулоҳазага мойил кишилар кўп. Юқори технологиялар, гоёт аниқлик билан қилинадиган ҳисоб-китоблар, замонавий билимлар талаб этиладиган индустриал корхоналарни профессионал бошқарадиган мутахассисларимиз, айниқса, ёшлар орасидан етишиб чиқмоқда. Бундай заковат ўчоқлари учун эса замонавий пойдевор бор. Яқиндагина ташкил қилинган Мирзо Улугбек инновацион маркази бунинг яққол мисолидир. Мураккаб қуришлар турлари, мисол учун, эстакада-

лар, очиқ ва ёпиқ метро иншоотлари, куёш технологияси асосида ишлайдиган энергия станциялари, гидропоника асосида маҳсулот етиштириладиган объектлардан тортиб, янги экин

ган, юртимиз ҳар соҳада изчил ривожланиш палласига кираётган маҳалда кишиларимизнинг тушунчалари ҳам шунга монанд ўзгаришини замоннинг ўзи тақозо қилмоқда. Яъни тафаккур

тонасиғача келиб турибди-ку?! Қорақалпоғистондан Шароф ога Уснатдинов билан сўхбатлашамиз. Элининг ҳурматли кишиларидан бири бўлган оғамиз шодлигини яширолмаиди.

иборат дейилган шу ҳудудларда қанчадан-қанча бунёдкорлик ишларини амалга оширса бўларкан... Эркин иқтисодий зоналарни айтмаймизми?! Шунча ишларга йўл очилгани баробарида,



навлари яратишнинг илмий усулларига — буларнинг яратувчиларию эгалари ҳам ўзимизнинг кишилар!

Қисқаси, юрт бўйлаб янгиланишлар давом этар экан, онгу тафаккурда ҳам шунга монанд ўзгаришлар рўй бериши керак. Мисол учун, сиёсий партиялар фаолиятининг танқидий таҳлили, бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, Ёшлар иттифоқи ташкил қилиниши ёки мамлакат ҳаёти, кишилар турмуши ҳамда янгиланиш жараёни ҳақида тезкор, аниқ ва ҳолис ахборот етказиб берадиган бирламчи янгиланишлар манбаси — "Ўзбекистон 24" телерадиоканалининг очилиши каби воқеалар мазкур улкан тарихий жараёнинг узвий қисмидир. Ўзбекистон тараққиёти учун келажакда ишлар жуда жиддий бир тарзда, ҳар томонини ўйлаб пухта амалга оширилаёт-

тараққиёт суръатларидан ортда эмас, балки бир қадам олдинда юриши керак, дейилапти.

— Мутахассислар тавсияси билан банкдан кредит олиб, қизилмия плантациясини барпо этмоқчиман, — дейди навоийлик Акбар Бобомуродов. — Кургоқ шароитга мослашгани учун уни етиштириш осон, қолаверса, жаҳон бозорида харидори кўп. Етти хазина кўз ўнгимизда-ю, дунёдан беҳабар эканмиз-да. Уни қўяверинг, бизнинг иқлим шароитимизда қовнак, қовул қабилар ҳам ўз-ўзи-дан ўсиб ётибди, озгина ғайрат қилсақ, бас. Чўлда нъмат унар-миди, дейдиганларга жавоб-да. Маблағ масаласига келсақ, банкларнинг ўзи имтиёзли кредит беришга ҳамиша шай. Бугун ҳар жойда халқ билан бирлашинг, кишилар қалбига, юрагига қулоқ солинг, деган чорловга жавобан давлат идоралари уйимиз ос-

"Таклиф беринглар" деб яна халқ муҳокамасига ташлангани-чи? Шунга ҳам алоҳида диққат қаратинг, дейман атрофимиздаги-ларга. Ахир Президентнинг ўзи ҳар қандай муаммонингиз бўлса, ҳал қилиб берамиз, фақат келажакка юзланинг, яратинг, бунёд этинг, демоқда-ку?!

— Янгиланишларнинг барча қиррасини айтиб адо қилолмайсиз. Мисол учун, автомобилларимизни олинг, — дейди бўқалик тadbirkor Нурзод

Халқ юрт фаровон, обод бўлишини, бахтли яшашни истайди. Давлат эса халқ билан бирга. Мана шунинг учун ҳам катта кичик бўгин ҳокимият идоралари, турли соҳалар вакиллари, фан, маданият, санъат аҳлидан тортиб, фермерлару ишлаб чиқарувчиларга, ҳамма-ҳаммага "Жипслашинг, эл билан, Ватан билан бирга бўлинг!" дейилмоқда. "Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураемиз!" Бугуннинг шиори — мана шу!

Исҳоҷон СУЛТОН, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

НАФИС МАТОЛАР ЖОЗИБАСИ

Тошкент шаҳридаги Ипакчилик илмий-тадқиқот институтида "Сифатли ва рақобатдош пилла хом ашёси етиштиришнинг долзарб муаммолари" мавзусида илмий-техникавий анжуман бўлиб ўтди.

АНЖУМАН

Буюк Ипак йўлида жойлашган Ўзбекистон ипакчилик соҳасида бой тажриба, тарихий ҳамда миллий анъаналарга эга давлатдир. Бу ерда тайёрланган ипак маҳсулотлари қадим-қадимдан дунёга маълум машҳур. Қолаверса, Марказий Осиёда пиллачилик соҳасини қайта тиклаш ва уни илм-фан асосида ривожлантиришда юртимизда бундан 90 йил муқаддам ташкил этилган институт муҳим роль ўйнади. Бинобарин, мазкур илм масканида ноёб ҳаётини кўришга, яъни ипак куртининг 120 та зоти, тутнинг 239 та нави ҳамда турлари сақланмоқда.

— Мустиқлик институти хавфсиз ҳаётида янги даврни бошлаб берди, — дейди Ипакчилик илмий-тадқиқот институти директори Шавкат Умаров. — Энг, аввало, илмий изланишлар олиб бориш учун зарур

шарт-шароит яратилиб, олимлар меҳнати муносиб рағбатлантирилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, тузнинг 20 дан ортиқ истиқболли навлари, ипак куртининг 18 та санатбоп дурагайи яратилди. Шунингдек, халқаро алоқалар йўлга қўйилиб, бугунги кунда Хитой, Япония, Жанубий Корея, Вьетнам, Болгария, Россия, Украина, Озарбайжон, Грузия, Қозғистон, Тожикистон ва Туркменистон каби мамлакатлар билан ипакчиликнинг турли йўналишларида ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бугунги тадбир эса бу борадаги муносабатларимизни янада мустиқлаштиришга хизмат қилади.

Анжуманда сўзга чиққанлар эътибор эгитганидек, чуқур генетик тадқиқотлар натижасида дунё ипакчилик фанида биринчи марта Ўзбекистонда жинси бошқариладиган ипак курти зот-

лари яратилди. Улар наслчилик станциялари ҳамда уруғчилик корхоналарида суперэлиталар, элита, санатбоп дурагай тухумлар тайёрлаш технологиясида юқори самарадорликка эришишда кўл келадир.

Президентимизнинг 2017 йил 29 мартдаги "Ўзбекистонда уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳа ривожига янги имконият ашиқларини очиб берди. Ушбу ҳужжатда ипакчиликда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, жаҳон бозоридан рақобатдош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда янги турларини кўпайтириш бўйича кўплаб вазифалар белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, Ипакчилик илмий-тадқиқот институти жамоаси томонидан тузнинг серхосил навларини яратиш, ипак куртининг маҳсулдор зот ҳамда дурагайлари кўпайтириш, фермер ҳўжалиқларининг ипак курти уруғи ва тут қўчатларига бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилапти.

Жорий йилда юртимизда

Мутахассисларнинг эътирофи шунки, кейинги пайтда табиий ипак матоларидан тикилган либослар нафақат юртимизда, балки дунё миқёсида урфга кирмоқда. Шу боис мамлакатимиз ҳамда хорижий дизайнерлар камалакранг хонатлас, кўркам адрас, ёрқин баҳмал, нафис шойи каби миллий матоларимизга кўпроқ мурожаат қилишяпти.

Шу кунги "Ўзбекистонда уюшмаси томонидан ташкил этилган табиий ипак матоли миллий либослар намоишида булар яна бир қарра эътироф этилди. Тадбир доирасида намоиш қилинган "Буюк Ипак йўли тарихи" мавзусидаги театрлаштирилган сахна кўрсатиши эса йиғилганларда алоҳида таассурот қолдирди.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Ўзбек киноси дурдоналари»

"Ўтган кунлар", "Маҳаллада дув-дув гап", "Сен етим эмассан", "Шум бола" каби кўплаб бадиий фильмлар халқимиз қалбидан чуқур жой олган. Чунки ушбу кинолар ҳаётининг билан ажралиб туради, томошабинни асло бефарқ қолдирмайди.

ТАҚДИМОТ

"Ўзбекино" Миллий агентлигининг Алишер Навоий номидаги кино саройида "Ўзбек киноси дурдоналари" зали ишга туширилгани мухлислар учун ҳақиқий тўхфа бўлди. Мазкур залнинг очилиши муносабати билан ташкил қилинган тадбирда таъкидланганидек, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, уларни ҳар жиҳатдан барқамол инсонлар этиб вояга етказиш барчанинг, айниқса, санъат аҳлининг зиммасига улкан масъулият юклайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 3 август кунини мамлакатимиз

ижодкор зиялилари вакиллари билан учрашуви чоғида ҳам ҳар томонлама етук бадиий фильмлар яратиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этаётганини, шу билан бирга, бундан қирқ-эллик йил аввал устоз киноижодкорлар томонидан ишланган фильмлар ҳамон экранлардан тушмай келаётганини таъкидлаган эди.

"Ўзбек киноси дурдоналари" залини ташкил қилишдан кўзланган асосий мақсад ҳам ёшлар орасида халқимиз қалбидан жой олган дурдона кинокартиналарини кенг тарғиб

этиш, ихлосмандларнинг афсонавий ўзбек киносининг энг бебаҳо намуналаридан яна баҳраманд бўлиши учун имкон яратиш, ёш киночиларнинг маҳоратини оширишдан иборатдир. Кинозал репертуари учун фильмлар алоҳида саралаб олиниб, улар ҳар ойда янгилаб, бойитиб борилади. Айни пайтда бу ерда киночилар, сценарийнавислар, актёрлар иштирокида мухлислар учун ижодий учрашувлар, мулоқотлар ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

Янги кинозалнинг очилишида Ўзбекистон халқ артисти, таниқли режиссёр Шухрат Аббосовнинг турли халқаро кинофестиваллар ва танловларда соҳибдорлик муносиб топилиши "Абу Райҳон Бёруний" номи тарихий экран асарини намоиш этилди.

М. ЎРОҚОВ.

БУХОРО ТОМОНЛАРДА

Компьютер ёрдамида иситилади

Газли шаҳрида яшовчи аҳоли қиш мавсумида иситиш тизимидаги узиллишлардан азият чекарди. Эндиликда ташвишга ҳожат қолмади. Шаҳарни қуз/қиш мавсумига тайёрлаш дастури доирасида бу ерда умумий қиймати 800 миллион сўмлик модуллаштирилган қозонхона ишга туширилди.

Замонавий иситиш қурилмаси сўнгги русумдаги технологиялар билан жиҳозланди. Ундаги асосий юмушларни компьютерлар бажаради. Президентимизнинг иқтисодий тarmoқлари ва ижтимоий соҳа объектларининг жорий қуз/қиш даврида барқарор ишлаши-

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги хузуридаги

Кўп хонадонли уй-жой фондида фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси

қуйидаги мебель жиҳозлари ва бошқа техникаларни сотиб олиш бўйича тендер эълон қилади

- мебель — 1 тўплам
- иш столи (1400x700x750) — 87 дона
- стул — 140 дона
- мажлислар зали учун стул — 30 дона
- кресло — бир дона
- офис учун шкаф (1350x400x1900) — 23 дона
- ёнмайдиган сейф — 2 дона
- канцелярия шкафи (ШК) — бир дона
- факс аппарати — бир дона
- телефон аппарати — 21 дона
- стационар телефон аппарати — бир дона
- телевизор (диагональ 43 см.) — бир дона

Мурожаат учун манзил:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй. Телефон: (0-371) 235-31-00.

Электрон манзил: inspeksiyajkf@mail.ru

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатиغا!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

қуйидагиларни сотиб олиш учун танлов савдолари эълон қилади:

«9000 BTU» русумли сплит тизимли (қиш-ёз) кондиционер, «12000 BTU» русумли сплит тизимли (қиш-ёз) кондиционер, «18000 BTU» русумли сплит тизимли (қиш-ёз) кондиционер, «24000 BTU» русумли сплит тизимли (қиш-ёз) кондиционер, «30000 BTU» русумли устун типидagi (қиш-ёз) кондиционер, «LED» русумли диагональ 32" (81 см.) бўлган телевизор, «LED» русумли диагональ 42" (107 см.) ёки 43" (109 см.) бўлган телевизор, D-80 мм.ли сув ўлчагич (тўплам) фланецлари билан, 100 кВт қувватли дизель-генератор, 20 кВт қувватли дизель-генератор, 2 тонналик тельфер. Шартнома бўйича тўлов: 15 фоиз — олдиндан пул ўтказиш йўли билан, 85 фоизи — маҳсулот тўлиқ етказилганидан сўнг амалга оширилади.

Китоб ва бланк маҳсулотлари (рўйхатга олиш китоблари, йўл варақалари, рўйхатга олиш журнал ва карточкалари ҳамда фирма бланкалари ва бошқалар)ни сотиб олиш учун танлов мuddати узайтирилди.

Таклифлар қуйидаги манзилда қабул қилинади: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-бەрк кўчаси, 1-уй.

Таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади.

Маълумот олиш учун ҳар кун соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин: (0-371) 255-75-12, 255-83-00, 255-75-11. Факслар: (0-371) 255-75-12, 281-46-71.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти жамоаси Умумий бўлим бошлиғи Усмон Ҳайитовга онаси Марзия ҲАЙИТОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этилди.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 232-10-63. E-mail: reklama@xs.uz

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1045. 76 181 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоисн келишилган нарҳда.

Телефонлар: Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ТАХРИРГАТ КЕЛГАН КЎПМАЛАР ТАҚРИБ ҚИЛИНМАЙДІ ВА МУАЛЛИҒА ҚАЙТАРИЛМАЙДІ. РЕКЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИ УЧУН ТАХРИРГАТ ЖАВОБГАР ЭМАС.

Газетанинг етказиб берилиши учун обуванни расмийлантиришга ташкилот жавобгар.

Газета тахрират компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан сақланилади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарк" нашир-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Набатчи муҳаррир — Ф. Абилов. Набатчи — О. Файзиёв. Мухасрих — Ш. Машраббоев.

«Шарк» нашир-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲА яқини — 22.53 Топширилди — 00.05 2 3 4 5 6